



ISSN 2091-5187

СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ЖУРНАЛ

2023
3-сон



СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ 2023 йил, 3-сон

Муассис: Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2008 йил 31 декабрда
0561-рақам билан рўйхатга олинган.

ЎЗР ОАК Риёсатининг 19.03.2017 й., 239/5-сонли қарори билан эътироф этилган

**Таҳририят ижодий
жамоаси:**

Бош муҳаррир:
и.ф.д. **М.Э.Пўлатов**

**Бош муҳаррир
ўринбосари:**
профессор **Д.Х.Асланова**

Масъул котиб:
профессор **М.Қ.Пардаев**

Муҳаррирлар:
Ф.А.Сафаров
Ш.З.Ўрозов

Техник муҳаррир:
А.Н.Холиқулов

Корректор:
С.А.Бабаназарова

Саҳифаловчи:
Ҳ.Н.Очилова

1 йилда 4 мартаба
чоп этилади.

Ўзбекистон ҳудудида
тарқатилади.

Таҳририят манзили:
140100, Самарқанд шаҳар,
Амир Темур кўчаси, 9-уй,

тел.: +998(66)233-28-38,
+998(66)233-17-88

факс: +998(366)231-12-53
эл.почта:

samisiservis@inbox.uz

Таҳририят кенгаши раиси:

М.Э.Пўлатов – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти
ректори, иқтисод фанлари доктори, профессор

Таҳририят кенгаши раиси ўринбосари:

Д.Х.Асланова – СамИСИ илмий ишлар ва инновациялар
бўйича проректори, иқтисод фанлари номзоди, профессор

Таҳрир кенгаши аъзолари:

Б.А.Бегалов – Ўзбекистон Республикаси Давлат Статис-
тика қўмитаси раиси, иқтисод фанлари доктори, профессор

М.Қ.Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.К.Ғоибназаров – иқтисод фанлари доктори, профессор.

Д.Р.Зайналов – СамИСИ каф.мудир, профессор, и.ф.д.

О.М.Мургазаев – ТДИУ Самарқанд филиали директори,
иқтисод фанлари доктори, профессор

М.Р.Болтабаев – Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва
спорт университети ректори, иқтисод фанлари доктори

Р.Х.Эргашев – ҚарМШИ профессори, и.ф.д.

И.С.Тўхлиев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

М.М.Мухаммедов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

К.Б.Уразов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Қ.Ж.Мирзаев – СамИСИ каф. мудири, и.ф.д., профессор

Б.И.Исроилов – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Г.М.Шодиева – СамИСИ профессори в.б., и.ф.д.

Б.Абдукаримов – СамИСИ профессори, и.ф.н.

Р.Қобилов – Самарқанд вилояти ҳокими ўринбосари

С.Н.Тошназаров – СамИСИ кафедра мудири, и.ф.д.

Р.Н.Нормахматов – СамИСИ профессори, т.ф.д.

О.М.Пардаев – СамИСИ декани, и.ф.д.

М.Т.Алимова – СамИСИ профессори, и.ф.д.

З.Дж. Адилова – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Ш.О.Қувондиқов – СамИСИ доценти, и.ф.д.

Shoira Azimovna Musayeva, Dilduza Ixomovna Usmonova "Daka-Tex" MCHJ XKning faoliyatida marketingni boshqarishni takomillashtirish	153
Музаффар Шокиржонович Ахмедов Глобаллашув шароитида бошқарувнинг мотивацион назарияларининг персонал билан ишлашдаги аҳамияти	157
МОЛИЯ, ПУЛ МУОМАЛАСИ ВА КРЕДИТ	
Нуриддин Эламонович Эрназаров Акциз солиғини ҳисоблаш механизмини такомиллаштириш	163
БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ, ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ ВА АУДИТ	
Мажит Жанызақович Бауетдинов Дебитор қарздорликни камайтириш корхоналарнинг ликвидлигини таъминлашнинг зарурий шарт сифатида	166
Тўлқин Исматулла ўғли Яҳёев Курилиш корхоналари молиявий ҳолатини рейтинг баҳолаш механизмлари.	172
Abdulaziz Abdullayevich Gulamov, Xurshidaxon Alisherovna Yegamberdiyeva Vagon parkini aniqlashda omillar tahlilida ma'lumotlar taqsimotining bir xilligini tekshirish	176
Олим Мургазаев, Гайрат Аблакулович Ибрагимов Анализ агросервисных факторов, влияющих на прибыль при производстве основных сельскохозяйственных культур	180
Илҳом Сайиткулович Очилов Кластерлар фаолиятида иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари таҳлили	185
Юсуф Ибрагимович Турдибеков Автотранспорт воситаларини баҳолаш хизматларининг харажат ёндашуви методикасини такомиллаштириш	191
Юлдуз Шарафиддиновна Рахмонова Инвестициявий кўчмас мулкни халқаро стандартлар асосида тан олиш масалалари	197
ТАЪЛИМ, КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ВА ПЕДАГОГИКА	
Джахонгир Расулович Зайналов Инновацион ғоялар замирида турли соҳалар учун кадрлар тайёрлашни мақсад қилиб олган олий таълим	201
Хилола Фармоновна Очилова Отраслевая система подготовки кадров для индустрии туризма	206
Хилола Нематовна Очилова Олий таълим хизматларини ривожлантиришнинг ички имкониятлари таҳлили	209
ЭЪТИБОРГА МОЛИК МАСАЛАЛАР	
Сайдахроп Ғуломов, Мамаюнус Пардаев Кексалик – буюк нѐмат, агар одам унинг қадрига етиб яшаса	215
ИБРАТЛИ БИТИКЛАР	

БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ, ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ ВА АУДИТ

Мажит Жанызақович Бауетдинов – PhD, Қорақалпоқ давлат университети мустақил изланувчиси, Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тармоқ маркази бўлим бошлиғи

ДЕБИТОР ҚАРЗДОРЛИКНИ КАМАЙТИРИШ ҚОРХОНАЛАРНИНГ ЛИКВИДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ЗАРУРИЙ ШАРТИ СИФАТИДА

Аннотация. Мақолада корхоналар дебитор қарздорликларини бошқариш бўйича иқтисодчи олимларнинг назарий қарашлари тадқиқ қилинган ва муаллиф томонидан амалий тадқиқотлар ва таҳлиллар натижасида фикрлар берилган. Шу билан бирга Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган корхоналар ўртасидаги дебитор қарздорликни камайтириш билан боғлиқ бўлган долзарб муаммолар аниқланган ва уларни ҳал қилишга қаратилган илмий таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: корхона, дебитор қарздорлик, пул маблағлари, барқарорлик, инвестиция, фоиз ставкаси, вексел, аванс тўловлари, давлат бюджети, факторинг, жорий актив, инновацион маҳсулот.

Кириш. Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясида миллий иқтисодиёт барқарорлигини таъминлаш ва ялпи ички маҳсулотда саноат улушини оширишга қаратилган саноат сиёсатини давом эттириб, саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини 1,4 бараварга ошириш, саноат тармоқларида йўқотишларни камайтириш ва ресурсларни ишлатиш самарадорлигини ошириш, иқтисодиётда молиявий ресурсларни кўпайтириш мақсадида, келгуси 5 йилда фонд бозори айланмасини 200 миллион АҚШ долларидан 7 миллиард АҚШ долларига етказиш, мамлакатда инвестиция муҳитини янада яхшилаш ва унинг жозибadorлигини ошириш, келгуси беш йилда 120 миллиард АҚШ доллари, жумладан 70 миллиард доллар хорижий инвестицияларни жалб этиш чораларини кўриш, тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилиш ва доимий даромад манбаларини шакллантириш учун шароитлар яратиш, хусусий секторнинг Ялпи ички маҳсулотдаги улушини 80 фоизга ва экспортдаги улушини 60 фоизга етказиш миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлашнинг устувор йўналишлари сифатида эътироф этилган [1]. Бу эса, корхоналарнинг ликвидлигини таъминлаш заруриятини юзага келтиради. Ўз навбатида, корхоналарнинг ликвидлигини таъминлаш бу борадаги долзарб масалалардан бири бўлган дебитор қарздорликни камайтириш масаласини илмий асосда тадқиқ қилиш заруриятини юзага келтиради.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. А.Косой корхоналар ўртасидаги дебитор қарздорликни бошқаришнинг қуйидаги принципларини таклиф этади:

- тўловчиларнинг мажбуриятлари бўйича тўловлар принципи;
- нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг оқилона тезлиги принципи;
- тўловларнинг даврий кетма-кетлиги принципи;
- харажатларнинг самарадорлиги принципи [2].

Фикримизча, А.Косойнинг тўловларнинг даврий кетма-кетлиги принципи республикамиз амалиёти учун амалий аҳамиятга молик. Бунинг сабаби шундаки, мамлакатимизнинг хўжалик амалиётида тўловларнинг мақсадли кетма-кетлиги қўлланилмоқда ва бунда давлат бюджетига тўловлар устувор аҳамиятга эга, деб ҳисобланади.

А.Тихоновнинг хулосасига кўра, монетизация даражаси М4 пул агрегати бўйича 50 фоиздан юқори бўлган мамлакатларда инфляция даражаси, одатда, 10 фоиздан ошмайди, реал фоиз ставкаси эса, 1,5-5,0% даражасида бўлади. Монетизация даражаси паст бўлган,

яни 20 фоизгача бўлган мамлакатларда инфляция даражаси нисбатан юқори бўлиб, реал фоиз ставкаси салбий бўлади ёки паст даражада бўлади [3].

О.Лазарева ва И.Советовнинг фикрига кўра, дебитор қарздорликни энг кенг тарқалган турлари қуйидагилардир:

- товарлар, ишлар, хизматлар учун дебитор қарздорлик;
- аванс тўловлари бўйича дебитор қарздорлик;
- олинган векселлар бўйича дебитор қарздорлик;
- бюджет билан ҳисоблашишлар бўйича дебитор қарздорлик;
- ходимлар билан ҳисоблашиш бўйича дебитор қарздорлик [4].

В.Ковалевнинг хулосасига кўра, идеал ҳолатда корхоналар дебитор қарздорликни юзага келишига йўл қўймасликлари керак. Бироқ, бозор иқтисодиёти шароитида ресурсларнинг бир қисмини дебитор қарзга иммобилизация қилмасдан туриб фаолият кўрсатишнинг амалда иложи йўқ [5].

М.Хромовнинг фикрига кўра, дебитор қарздорликни ундириш жараёнлари ва босқичларини аниқлашда юридик мутахассисларнинг мажбурий ундириш бўйича профессионализмига эмас, балки сотишни ташкил қилишнинг қаттиқ назорат қилинадиган технологияларига ишониш самаралироқдир [6].

М.Юсуповнинг фикрича, қишлоқ хўжалик маҳсулотларига белгиланган давлат харид нархлари билан қишлоқ хўжалик техникаларининг нархлари ўртасида жиддий номутаносибликнинг мавжудлиги фермер хўжаликлари ва қишлоқ хўжалик корхоналари фаолиятини ривожлантиришга тўсқинлик қилади [7].

О.Намозовнинг хулосасига кўра, иқтисодиётни етарли даражада пул маблағлари билан таъминлаш масаласини ҳал қилиш учун монетар сиёсатда пуллар таклифини тартибга солишга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишнинг ўзи етарли эмас. Параллель равишда пулларга бўлган талабни қайта таркиблаш бўйича қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш лозим:

- ишлаб чиқариш секторидаги корхоналарни институционал ислоҳ қилишни амалга ошириш;
- миллий иқтисодиёт ўсишининг локомотивлари бўлган таянч тармоқларни жадал ривожлантиришга қаратилган самарали саноат ва қишлоқ хўжалик сиёсатларини амалга ошириш;
- юқори унумли меҳнатга рағбатлантириш тизимини кучайтириш, аҳолининг реал даромадларини ошириш учун фискал ва тадбиркорлик шарт-шароитларини яратиш;
- иқтисодиётнинг ички хусусий секторида даромадлар ва талабни узлуксиз ўсиб бориши учун зарур бўлган шароитларни яратиш;
- давлатнинг иқтисодий фаолиятини, иқтисодиётни либераллаштириш контекстида, босқичма-босқич оқилонлаштиришни амалга ошириш;
- реал секторда тармоқлараро номутаносибликларга барҳам бериш ва молиявий оқимларни оптималлаштириш мақсадида баҳоли тартибга солишни амалга ошириш зарур [8].


Тадқиқот методологияси. Корхоналарда дебитор қарздорликни камайтириш орқали корхоналарнинг ликвидлигини таъминлашга қаратилган мазкур тақиқотда Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси Қарорларида келтирилган устувор йўналишлар ва иқтисодчи олимларнинг назарий қарашларидан фойдаланилган. Тадқиқот жараёнида тизимли ёндашув, қиёсий ва солиштирма таҳлил, баҳолаш усулларида фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 29 мартдаги 166-сонли Қарори билан тасдиқланган 2021 - 2025 йилларда давлат ишпирокидаги корхоналарни бошқариш ва ислоҳ қилиш стратегиясида давлат ишпирокидаги корхоналарнинг 45 фоизи томонидан давлат бюджетига дивиденд тўлангани, ушбу дивидендларнинг 90 фоизи 5 та йирик корхонага тўғри келиши уларнинг аксарияти фаолиятининг самарадорлиги паст даражада эканлиги сифатида қайд этилган [9]. Бу эса,

корхоналар фаолиятининг молиявий барқарорлик даражасининг паст эканлигидан далолат беради.

Шу ўринда қайд этиш жоизки, корхоналар фаолиятининг молиявий барқарорлиги бевосита уларнинг пул оқимини барқарорлигига боғлиқ. Корхоналар пул оқимининг барқарорлиги эса, дебитор қарздорликнинг ва товар-моддий захираларнинг айланиш тезлигига боғлиқ.

Корхоналарда дебитор қарздорликни бошқариш амалиётининг самарадорлиги, аввало, корхоналарнинг етарли даражада ликвидли бўлиши билан белгиланади.



1-расм. “Ўзметкомбинат” АЖда дебитор қарздорлик миқдорининг ўзгариши, млрд. сўм¹

1-расм маълумотларидан кўринадик, “Ўзметкомбинат” АЖда дебитор қарздорликнинг 2018-2021 йилларда ўсиш тенденциясига эга бўлган. Бу эса, мазкур даврда харидор ва буюртмачиларнинг “Ўзметкомбинат” АЖ олдида қарздорлигини кескин ошганлиги билан изоҳланади.

1-жадвал

Ўзбекистон Республикасида иқтисодиётнинг пул маблағлари билан таъминланганлик даражаси ва тижорат банклари кредитларининг ўртача йиллик фоиз ставкаси², (фоизда)

Кўрсаткичлар	йиллар				
	2018	2019	2020	2021	2022
Иқтисодиётни пул маблағлари билан таъминланганлик даражаси, %	20,5	17,8	18,5	19,6	21,2
Тижорат банкларининг миллий валютадаги кредитларининг ўртача йиллик фоиз ставкаси, %	20,5	24,2	22,3	20,8	21,9


1-жадвал маълумотларидан кўринадик, Ўзбекистон иқтисодиётининг пул маблағлари билан таъминланганлик даражаси 2022 йилда 2018 йилга нисбатан сезиларли даражада ошган. Бироқ, таҳлил қилинган давр мобайнида ушбу кўрсаткичнинг даражаси нисбатан паст бўлган.

¹ Расм муаллифи томонидан “Ўзметкомбинат” АЖнинг баланс ҳисоботлари маълумотлари асосида тузилган.

² Жадвал муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг статистик маълумотлари асосида тузилган.

1-жадвал маълумотларидан кўринадики, республикамиз тижорат банклари томонидан миллий валютада берилган кредитларнинг фоиз ставкаси таҳлил қилинган давр мобайнида юқори бўлган.

Дебитор қарздорликнинг айланиш тезлигининг паст эканлиги республикамиз корхоналари жорий активларининг ҳажмида пул маблағларининг улушини жуда паст бўлишига олиб келмоқда (2-расм).




2-расм. “KHANTEX-GROUP” МЧЖда пул маблағларининг жорий активлар ҳажмидаги салмоғи, фоизда¹

2-расм маълумотларидан кўринадики, “KHANTEX-GROUP” МЧЖнинг жорий активлари ҳажмида пул маблағларининг салмоғи 2018-2022 йилларда жуда кичик бўлган. Бу эса, унинг тижорат банкларининг кредитларидан фойдаланиш даражасини оширишга тўсқинлик қилади. Жамият жорий активлари таркибида асосий салмоқни (48,8 фоиз) товар моддий захиралар эгаллаган бўлиб, шунинг ичида ишлаб чиқариш захиралари асосий қисмини ташкил этади (81,8 фоиз).

Дебитор қарздорликнинг даражасини белгиловчи муҳим кўрсаткичлардан бири кредитор қарздорликнинг даражаси ҳисобланади. Чунки, дебитор қарздорликнинг айланиш тезлиги кредитор қарздорликнинг айланиш тезлигига тўғри пропорционалдир.

3-расм маълумотларидан кўринадики, “Ўзметкомбинат” АЖнинг кредитор қарздорлиги миқдори 2018-2021 йилларда ўсиш тенденциясига эга бўлган. Бу эса, мазкур даврда хом-ашёлар миқдорини сотиб олиш ҳажмининг ошганлиги билан изоҳланади. Ушбу кўрсаткич 2022 йилда 2018 йилга нисбатан сезиларли даражада ошган.



3-расм. “Ўзметкомбинат” АЖ ва “KHANTEX-GROUP” МЧЖларнинг 2018-2022 йилларда кредит қарздорлиги миқдорининг ўзгариши, млрд.сўм¹

¹ Расм муаллифи томонидан “KHANTEX-GROUP” МЧЖ нинг баланс ҳисоботлари маълумотлари асосида тузилган.

3-расм маълумотларидан кўринадик, “KHANTEX-GROUP” АЖнинг кредитор қарздорлиги миқдори 2018-2020 йилларда ўсиш тенденциясига эга бўлган. Бу эса, мазкур даврда хом-ашёлар миқдорини сотиб олиш ҳажмининг ошганлиги билан изоҳланади. Мазкур кўрсаткич 2022 йилда 2018 йилга нисбатан сезиларли даражада ошган.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР. Тадқиқот жараёнида қуйидаги хулосаларни шакллантирдик:

- тўловларнинг даврий кетма-кетлиги принципи республикамиз амалиёти учун амалий аҳамиятга молик бўлиб, тўловларнинг мақсадли кетма-кетлигида давлат бюджетига тўловлар устувор аҳамиятга эга бўлади;

- иқтисодиётнинг пул маблағлари билан таъминланганлик даражаси билан корхоналар ўртасидаги дебитор қарздорликнинг миқдори ўртасида тўғридан-тўғри алоқадорлик мавжуд;

- “Ўзметкомбинат” АЖда дебитор қарздорликнинг 2018-2021 йилларда ўсиш тенденциясига эга бўлган ва ушбу ҳолат харидор ва буюртмачиларнинг “Ўзметкомбинат” АЖ олдида қарздорлигини мазкур даврда юқори ўсиш суръатларига эга бўлганлиги билан изоҳланади;

- Ўзбекистон иқтисодиётининг пул маблағлари билан таъминланганлик даражаси 2022 йилда 2018 йилга нисбатан сезиларли даражада ошганлиги корхоналар ўртасидаги дебитор қарздорликни бошқариш амалиётига салбий таъсир кўрсатади;

- “KHANTEX-GROUP” МЧЖнинг жорий активлари ҳажмида пул маблағларининг салмоғи 2018-2022 йилларда жуда кичик бўлган. Бу эса, унинг дебитор қарздорлигини айланиш тезлигини паст эканлигидан далолат беради.

Фикримизча, корхоналар ўртасидаги дебитор қарздорликни камайтириш йўли билан уларнинг ликвидлигини таъминлаш учун қуйидаги тадбирларни амалга ошириш лозим:

1. Корхоналар томонидан узатма тижорат векселларини, яъни тратталарни муомалага чиқариш лозим ва тратталар муомаласини ривожлантириш мақсадида қуйидаги аниқ чораларни белгилаб олиш керак:

- тратталарни ҳақиқатда сотилган товарлар ва кўрсатилган хизматлар суммаси миқдоридан чиқарилишини назорат қилиш лозим (тратталарни ҳақиқатда сотилган товарлар ва кўрсатилган хизматлар суммасидан ортиқча миқдорда чиқарилиши таъминланмаган векселларни пайдо бўлишига олиб келади ва ушбу ҳолат пул муомаласининг барқарорлигига салбий таъсир кўрсатади);

- тратталарни тижорат банклари томонидан сотиб олишни йўлга қўйиш керак;

- тижорат банклари томонидан сотиб олинган тратталарни Марказий банкда қайта ҳисобга олинишини таъминлаш зарур.

2. Корхоналарда дебитор қарздорликнинг айланишини тезлаштириш мақсадида дебитор қарздорликни инкассация қилишга асосланган факторинг хизмати кўрсатиш амалиётини такомиллаштириш учун, биринчидан, дебитор қарздорликни регресс ҳуқуқи билан ва регресс ҳуқуқсиз сотиб олишда дисконт ставкалари аниқ белгилаб қўйилиши керак; иккинчидан, тижорат банклари томонидан пул оқими барқарор бўлган корхоналар гуруҳи шакллантирилиши лозим; учинчидан, факторинг хизматлари бозорида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш зарур.

3. Давлат бюджетининг давлат буюртмалари билан боғлиқ бўлган харажатларини кўпайтириш йўли билан иқтисодиётнинг пул маблағлари билан таъминланганлик даражасини ошириш лозим.

Давлат бюджетининг давлат буюртмалари билан боғлиқ бўлган харажатларини кўпайтириш йўли билан иқтисодиётнинг пул маблағлари билан таъминланганлик даражасини ошириш қуйидаги самарани беради:

- давлат буюртмасида иштирок этаётган корхоналарнинг пул маблағлари ҳажми ошади ва унинг бошқа корхоналар олдидаги кредитор қарздорликни тулаш имконияти кенгаяди;

¹Жадвал муаллиф томонидан ТИФ Миллий банкининг йиллик ҳисоботлари маълумотлари асосида тузилган

- корхоналарнинг инновацион потенциали ошади, чунки, корхоналар инновацион товарлар учун катта миқдорда буюртма олади;
- давлат инновацион маҳсулотни биринчи харидори бўлганлиги сабабли ушбу маҳсулотни яратган корхона инновацион маҳсулотни рақобат курашидан ташқари яратиш имконияга эга бўлади. Бу эса, корхонанинг илмий-техник ривожланишининг ички даражасини ошириш имконини беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли Фармони. Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегияси тўғрисида//www.lex.uz.
2. Косой А.М. Платежный оборот: исследование и рекомендации. Монография. – М.: КНОРУС, 2012. - 296 с.
3. Тихонов А. Коэффициент монетизации: некоторые аспекты теории, сравнительный анализ и практические выводы//Банковский вестник. – Минск, 2000. - №25 (132). - С. 4-9.
4. Лазарева О.С., Советов И.Н. Управление дебиторской задолженностью предприятий//Электронный научный журнал «Век качества» Online scientific journal «Age of Quality», 2020. – № 4.
5. Ковалев В.В. Как читать баланс [Текст] / В.В. Ковалев, В.В. Патров. — 4-е изд., перераб. и доп. — М.: Финансы и статистика, 2003. - 520 с.
6. Хромов М.Ю. Дебиторка. Возврат, управление, факторинг. - СПб.: Питер, 2008. — 205 с.
7. Юсупов М.С. Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан тартибга солишнинг иқтисодий механизмларини такомиллаштириш. И.ф.б. фалсафа докт. дисс. автореф. – Т.: 2018. – 56 б.
8. Намозов О.Ш. Монетарная политика в переходной экономике: концептуальные подходы и программные направления. Автореф. дисс. на соик. уч. ст. д.э.н. – Ташкент, 2001. – С. 24.
9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 29 мартдаги 166-сонли Қарори. 2021 - 2025 йилларда давлат иштирокидаги корхоналарни бошқариш ва ислоҳ қилиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида//Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 29.03.2021 й., 09/21/166/0257-сон; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 18.03.2022 й., 07/22/168/0228-сон; 10.06.2022 й., 09/22/323/0508-сон; 04.04.2023 й., 09/23/139/0190-сон.

<p>М.Бауетдинов</p> <p>Снижение дебиторской задолженности как необходимое условие обеспечения ликвидности предприятий</p> <p>Аннотация: В статье рассматриваются теоретические взгляды экономистов на управление дебиторской задолженностью предприятий, а автор приводит мнения в результате практических исследований и анализа. При этом выявлены актуальные проблемы, связанные со снижением дебиторской задолженности у предприятий, действующих в Республике Узбекистан, и разработаны научные предложения, направленные на их решение.</p> <p>Ключевые слова: предприятие, дебиторская задолженность, денежные средства, устойчивость, инвестиции, процентная ставка, вексель, авансовые платежи, государственный бюджет, факторинг, оборотный капитал, инновационный продукт.</p>	<p>M.Bauetdinov</p> <p>Reduction of accounts receivable as a necessary condition for ensuring liquidity of enterprises</p> <p>Abstract: The article discusses the theoretical views of economists on the management of receivables of enterprises, and the author gives opinions as a result of practical research and analysis. At the same time, urgent problems associated with a decrease in receivables from enterprises operating in the Republic of Uzbekistan were identified, and scientific proposals were developed aimed at solving them.</p> <p>Keywords: enterprise, accounts receivable, cash, stability, investments, interest rate, promissory note, advance payments, state budget, factoring, working capital, innovative product.</p>
---	---

ISSN 2091-5187

∞ “СЕРВИС” ∞

Журнал Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таҳририят
бўлимида нашрга тайёрланди.

07.09.2023 йилда теришга берилди. 22.09.2023 йилда босишга рухсат этилди.
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60x84_{1/8}. “Times” гарнитураси. Офсет
босма усули. Шартли босма табоғи 15,76. Ҳисоб-нашриёт
табоғи 13,6. Адади 100 нусха. Буюртма № 0074А/23.

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг
матбаа бўлимида чоп этилди.
Лицензия № 025316.
Реестр № Х-119112.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Шохрух кўчаси, 60-уй.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2023